

Мирзааҳмедова Юлдузхон Анваровна

Факультетлараро чет тиллар (аниқ ва табиий фанлар) кафедраси филология
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Андижон давлат университети, Андижон, Ўзбекистон

Мирзааҳмедова Юлдузхон Анваровна

Доктор философии (PhD) по филологическим наукам межфакультетского отделения
иностранных языков (точных и естественных наук)

Андижанский государственный университет, Андижан, Узбекистан

ГЕНДЕР ХУСУСИЯТЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ШАРТЛАНГАН КЎРИНИШЛАРИ

Аннотация. Ушбу мақолада гендер фарқланган дискурсларда ижтимоий фарқларнинг юзага чиқишига доир қарашлар баён қилинган. Муайян дискурсларнинг гендер туси бир вақтнинг ўзида ижтимоий хосланганликка ҳам эга. Мақолада бу ўзига хосликларни таҳлил қилишнинг назарий асослари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: ижтимоий шартланганлик, гендер, дискурс, жинс, феменистика.

СОЦИАЛЬНО ОБУСЛОВЛЕННЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ПОЛОВЫХ ПРИЗНАКОВ

Аннотация. В данной статье описываются взгляды на возникновение социальных различий в гендерно-дифференцированных дискурсах. Гендерный тон некоторых дискурсов имеет в то же время и социальный характер. В статье рассматриваются теоретические основы анализа этих особенностей.

Ключевые слова: социальная обусловленность, гендер, дискурс, гендер, феминизм.

Замонавий тилшуносликда татбикий йўналишларга қизиқиш тобора ортиб бормоқда. XXI аср анъаналарига кўра, ҳар қандай фан сингари тилшунослик ҳам иқтисодий-ижтимоий самарадорликка интилиб бормоқдаки, бу ўз-ўзидан татбикий йўналишларга эҳтиёжни оширади. Ана шундай йўналишлардан бири бу гендер тилшунослигидир. Н.А.Блохинанинг таъкидлашича, “жинс” (биологик жинс) ва “гендер” (ижтимоий-маданий жинс) атамалари ўртасидаги фарқ фанга психолог Роберт Столлер ва эндокринолог Жон Мони томонидан киритилган. Дастлабки, бир оз мавҳум ва ҳозиргача тадқиқотчилар томонидан тан олинадиган гендер назарияси таърифи эса Анн Оаклига тегишли. “Жинс” (sex) – бу эркак ва аёл ўртасидаги биологик фарқлар билан боғлиқ бўлган сўз; жинсий аъзолардаги аниқ фарқ, репродуктив функцияга тегишли фарқ. “Гендер” (gender) эса маданий мавзу предметиدير: “эркак” ва “аёллик” феминлик ва мускулинлик

тушунчаларининг ижтимоий таснифи билан боғлиқ. Гендер барқарорлик қандай тан олинса, гендер хилма-хиллик ҳам шундай тан олиниши лозим [1].

Инсониятнинг таснифи борасидаги энг яққол оппозитив белги бу жинсдир. Инсон дунёқарашининг ифодасигина эмас, шакли ҳам бўлган тилда бу оппозиция қандай ифода топган? Л.Н.Пушкареванинг ёзишича, қадимги олимлар ҳам грамматик род ва биологик жинс ўртасидаги боғлиқлик ҳақида ўйлашган, бироқ узоқ вақт давомида (шу жумладан Ўрта асрларда) грамматик род (genus) тушунчаси табиий ҳодиса – эркак ва аёл жинсини (нар ва мода) сифатида акс эттириш билан узвий боғлиқ деб ҳисоблаганлар. Шунинг учун мужской род ифодаляйдиган номларда куч, энергия, шижоат, фаоллик акс этса, женский родга кирувчи отларда – пассивлик, заифлик, орзумандлик ва гуноҳкорлик билан боғлиқ сўзлар ифодаланади, деб ишонганлар. Бироқ кейинчалик жинс умуман лисоний фарқланмаган ёки “мужской род” ва “женский род” иккита алоҳида лисоний вариант сифатида мавжуд бўлган тиллар кашф қилинди. Шунинг учун ҳозирги вақтда отларнинг жинс категориясига соф лингвистик категория сифатида қаралади, яъни муайян келишиқ кўшимчаларини қабул қилиши ва ўзига хос мослашиш хусусиятларига эга сўзлар синфи сифатида қабул қилинади. Мужской ва женский роддан ташқари, тил ва онгда “жинс” тушунчаси мавжуд – эркак ва аёл. Бу фақат жонли нарсаларга тегишли. Жинс жонли нарсаларни билдирувчи отларнинг икки тоифасидир: одамларда –эркаклар ва аёллар, ҳайвонларда – нар ва мода; бу инсоннинг иродасидан ташқарида бўлган биологик табиий ҳодисадир [2].

Бу ва шу хил бошқа қарашларни жамловчи атама борасида тўхталиб ўтсак.

“Гендер” атамаси, А.В.Кирилина ёзганидек, тилшуносликдан (инглизча gender – грамматик род категориясидан) олинган ва ижтимоий фалсафа, социология, антропология, тарих, шунингдек сиёсий мунозара каби фанларнинг тадқиқот майдонига кўчирилган. Кўчириш уни sexus (sex) (жинс) атамаси – биологик жинс билан таққослаш учун амалга оширилди, чунки бу тушунча нафақат табиий детерминизм билан, балки эркаклар ва аёллар ўртасидаги биологик фарқлар билан, меҳнатнинг жинслараро тақсимоти, тенг бўлмаган талаблар ва жамиятнинг эркаклар ва аёлларга бўлган муносабати билан боғлиқдир [3].

Бу тушунчанинг келиб чиқиши жамиятнинг қандай эҳтиёжлари билан боғлиқ? Н.А.Блохина гендер тушунчасини цивилизация ривожини билан боғлайди: жинслараро роллардаги стереотипларнинг ўзгариши одамнинг, масалан, эркак жинсига мансуб бўлган одам жамиятда аёлнинг гендер ролини ўйнаши мумкинлигига олиб келади (эркакнинг уйда болаларга қараб ўтириши)[4]. И.И.Буличевнинг таъкидлашича, жинслараро ижтимоий фарқлар ибтидоий воқеликка бориб қадалади: “Жинс (биологик жинс) ва гендер (ижтимоий жинс) бир-бирдан ажратиш ибтидоий жамият доирасида содир бўлган. Жамиятнинг

генезиси ва инсоният шаклланишининг дастлабки босқичларида воқеликнинг гендер манзараси эркак ва аёл мавжудлигининг феминлик ва маскулинлик усуллари эркаклар ва аёлларнинг соф биологик хусусиятларига мос келиши ёки келмаслиги мумкин. Гендер идентификацияси учун бу эмпирик равишда белгиланган жинс тушунчаси эмас, балки эр ёки хотиннинг ҳақиқий ижтимоий мансублиги ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу (биологик бўлмаган) жинс сифатида ижтимоий гендернинг мустақил хусусиятини кўрсатади. Уларнинг замонавий дунёдаги тафовути иқтисодий, демографик ва бошқа омилларга боғлиқ” [5].

Аксарият хорижий муаллифлар феминистик назарийчилар томонидан ишлаб чиқилган аёллар тарихининг сўзсиз гендер билан боғлиқлигини эътироф этишлари билан ажралиб турадилар. 80-йиллардаги дастлабки тадқиқотларда гендер тарихи ёки жинслар тарихи янгиланган ва тўлдирилган аёл тарихи деган фикр кўпчилик томонидан таъкидланган. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотларда ушбу йўналишларнинг аниқ чегараси кўрина бошлади. Бу, эҳтимол, маълум бир мустақилликнинг гендер тарихи ва унинг илмий доираларда тан олинishi билан боғлиқдир.

“Аёллар тарихи” фандаги феминистик йўналиш бўлиб, мақсади “аёллар тарихи”ни эркаклар тарихидан ажратиб кўрсатишдир: масалан, С. Ортнер, М. Девин, М. Росалдо аёлларнинг тарихдаги ролини кўрсатишга интилади. Бу йўлда кўпинча илмий объективликка путур етди: тарихда эркак ва аёл ролларининг тенглигини исботлаш истаги далилларнинг бузилишига олиб келди [6].

Феминистлар жамиятда патриархия устунлик қилади ва барча матнлар ва дискурсив амалиётлар патриархал, яъни эркакларга оид қадриятларни шахсларга сингдиради деган тезисни илгари сурдилар.

Гендер тадқиқотлари аёлларга оид тадқиқотлар доирасида бошланди. Аёллар тадқиқотларидан фарқли ўлароқ, гендер тадқиқотларида иккита объект бор – эркак ва аёл. Агар аёлларнинг тадқиқотлари мақсади фақатгина аёлларни ўрганиш бўлса, гендер тадқиқотида марказий нукта – бу гендер фарқлар ва ўхшашликларни, биринчи навбатда, жинсни ижтимоий-психологик ва ижтимоий-маданий хусусиятлари призмасида ўрганишдир [7].

Феминистик тадқиқотлар аёлларнинг жинси, ҳаёти ва яшаш шароитлари ҳамда эркаклар ва аёллар ўртасидаги муносабатларга бағишланган. Феминистик тадқиқотлар тадқиқот жараёнини тубдан сиёсийлаштириш билан тавсифланади. Гендер тадқиқотларида бундай аниқ сиёсий юк бўлмайди. Кейинчалик, “гендер” тушунчаси тилшунослик доирасига кириб келди. “Ғарб фанида ҳозирги кунга қадар жинсни ақлий тузилма сифатида кўриб чиқиш масаласи бўйича бир фикрга келинмади. Яъни жинсининг ижтимоий-маданий

функцияларини белгилайдиган ва бу функцияларни биологик ёки ижтимоий конструкциядан ажратишга имкон берадиган илмий таъриф. Иккинчи ҳолда, гендер камида тўртта хусусият гуруҳини назарда тутати: биологик жинс, жинс-рол (ёки шунинг учун жинс) стереотиплари, гендер-рол меъёрлари ва жинс-ролнинг ўзига хослиги. Америкалик социологларнинг асарларида сўнги учта хусусият баъзан (И. Хофманнинг ортидан) “жинснинг маданий таркибий қисмлари” нинг турли хил намоён бўлишига, яъни стереотиплар ва жамият томонидан ўрнатилган ижтимоийлашув ва идентификация усуллари жинслар нормаларига боғлиқ бўлган “гендер намоёйиши” деб номланади” [8]. Ушбу масала бўйича шуғулланаётган тадқиқотчилар сафи йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Ўзбекистонда гендерни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлиши шубҳасиз. Ўзбек тилшунослигида тил бирликлари тавсифида жинс белгиси нейтрал тадқиқотлар устунлик қилади. Бунинг бир неча сабаблари бор. Хусусан, ўзбек тилида гендер мазмунли махсус категорияларнинг мавжуд эмаслиги, гендер фарқларга эътибор нафақат ўзбек, балки гендер кўрсаткичларга эга тилшуносликларга ҳам анъанавий хос бўлмагани, татбиқий-амалий тилшунослик йўналишларининг энди ривожлана бошлагани кабилар билан боғланади. “Гендер” атамасининг ўзи ҳам тилшунослигимиз учун янги, ўзининг пайдо бўлиш тарихи, ўзининг мураккаб фойдаланиш анъаналарига эга тилда бу термин бўлмаган. Шу муносабат билан бизнинг гендер тадқиқотларимиз муқаррар равишда ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Хорижий тилшуносликда гендер йўналишлари шаклланди, бир томондан, тилда қайд этилган феминлик ва мускулинлик стереотиплари, шунингдек, гендер ассиметрияси, иккинчи томондан, эркак ва аёлларнинг нутқий хатти-ҳаракатларининг ўзига хос хусусиятлари ўрганила бошланди.

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб гуманитар фанларда гендер тадқиқотларга қизиқиш кучайиб кетди. Бу инсониятнинг маълум бўлган тарихида энг фаровонликка эришган даври томонидан қўйилган талаб эди. БМТ Тараққиёт дастурига кўра инсон ривожланишининг таркибий қисмларига самарали меҳнат, жамият ҳаётига тегишли масалалар бўйича қарор қабул қилишда кишиларнинг ваколатларини ва иштирок этиш имкониятларини кенгайтириш, ривожланиш барқарорлиги ҳамда барча одамлар учун имкониятлар ва танловнинг тенглиги киритилади [9].

Ўзбек тилшунослигида бу йўналишдаги тадқиқотлар янгилик бўёғини йўқотмаган бўлса-да, бу борада салмоқли изланишлар ҳам мавжуд эканлигини рад этиб бўлмайди. Хусусан, кейинги йилларда ўзбек тилшунослигида яратилган бир қатор тадқиқотлар ичида проф. С.Мўминов ишлари алоҳида ўрин тутати [10]. У ўз тадқиқотларида ўзбек нутқий

мулоқотининг эркаклар ва аёлларга хос жиҳатларини ёрқин мисоллар билан очиб бера олган [11].

Инсонларнинг гуруҳларга – синфларга бўлиниши ва синфлар орасидаги муайян рақобат инсоният тарихининг асосий ташкил этувчиларидандир. Шу билан бирга жамиятда ушбу синфларнинг пайдо бўлиши ва ижтимоий баҳоси ўзгарувчан. Айрим синфлар муайян босқичда етакчи бўлса, кейинги босқичда етакчилигини қўлдан бой бериши мумкин. Шу билан бирга жамиятнинг гуруҳларга таснифи ҳам ўзгарувчан. Айрим гуруҳлар даврлар ўтиши билан умуман ижтимоий қатламлар сирасидан чиқса, айримлари янги пайдо бўлиб боради. Аммо инсоннинг антропологик белгиларга асосланган гуруҳлари тарихнинг барча босқичларида ҳам сақланади. Шуниси қизиқки, биологик-антропологик белгилар атрофида жамланган гуруҳларнинг ижтимоий мавқеи ер юзида тарихан ва ҳозир мавжуд бўлган ижтимоий тузумларда бир-бирига моҳиятан ўхшашдир, фақат ташқи шаклий – ўзгарувчан ҳамда ўткинчи белгиларига кўра фарқланиш мавжуд бўлади. Бундай гуруҳларнинг энг яққол кўриниши гендер фарқланувчи гуруҳлар – эркак ва аёллардир. Эркаклар ва аёллар орасидаги фарқ инсоният тарихининг барча босқичларида ҳам яққол бўлган. Бу фарқни йўқотишга бўлган интилишлар одатда салбий баҳолаб келинган. Эркак ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлиги, ўзаро муносабатлари масаласи ҳар қандай ижтимоий тузумда ҳам долзарб бўлиб келган. БМТ томонидан 25 ноябрь аёлларга нисбатан жинсий зўравонликка барҳам бериш куни деб эълон қилиниши ҳам бежиз эмас [12].

Ўзбек жамиятида гендер фарқлар нафақат эркак ва аёллар ўртасида кўринади, балки бир жинс вакилларининг ижтимоий ўзига хосликларидан ҳам келиб чиқади. Бир неча мисолларга мурожаат қилсак:

Бўйи етган қизнинг орзуси осмондаги юлдузга ўхшайди. Узокдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан. Юлдуз эса олисда сирли-сирли милтираб тураверади. Талпинасан, ҳеч кимга билдирмай хаёл сурасан. Юлдузинг ёнинга тушишини орзиқиб кутасан. Ким билсин, «юлдузи юлдузига тўғри кепти», деган гап балки шундан чиққандир. Менинг юлдузим – Кимсан акам эди [13].

Матндаги ўзига хос вербал ифодалар – юлдуз, сирли-сирли, «юлдузи юлдузига тўғри кепти»...ёш қизнинг нутқини тавсифлайди.

Кимсан акамни кузатганимиздан кейин икки ҳафта ўтмай Холпош хола ойимнинг олдига йиғлаб чиқиб қолди.

– Ўргилай, овсинжон! Чолим ўлгур ёмон иш қилди. Шокирим билан Зокирим урушга кетамиз, деган экан, ховлиқма деб йўлга солиш ўрнига ўзи етаклаб военкоматга оборибди. Ҳеч кимга айтмайжўнатиб келди. Болаларим билан рози-ризолик ҳам тилашолмай қолдим,

овсинжон! Ойим уни юпатишга уринди. – Нафасингизни иссиқ қилинг, айланай. Юртга келган тўй. Мана, Кимсаним ҳам кетди-ку! Ўтирибман Яратганга топшириб...

– Сизники иззат-икром билан кетди. Бир кун бўлсаям дийдорига тўйиб қолдингиз. Менинг чолим ақалли хайрлашганиям қўймади! «Ёв қувдими, мунча ҳовлиқдингиз», десам, «мен белида белбоғи бор ўғил ўстирганман!» деб керилади.

Бу парчада эса, Ўргилай, овсинжон! Чолим ўлгур... рози-ризолик ҳам тилашолмай қолдим, овсинжон! Нафасингизни иссиқ қилинг, айланай. Юртга келган тўй. Ўтирибман, Яратганга топшириб... иззат-икром билан кетди... Бир кун бўлсаям дийдорига тўйиб қолдингиз. Менинг чолим ақалли хайрлашганиям қўймади! «Ёв қувдими, мунча ҳовлиқдингиз»...ифодалари катта ёшли аёлга ишора қилмоқда.

Гендер жихатларни ўрганишда уларнинг ижтимоий баҳосини ҳам ҳисобга олиш зарурати муайян дискурслар таҳлилида яққол намоён бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Блохина Н.А. Понятие гендера: становление, основные концепции и представления // Общество и гендер. – Рязань: АВГ, 2003. – С.302.
2. Пушкарева Н.Л. Женщина. Гендер. Культура. – М.: Терра, 1998. – Б.19.
3. Кирилина А.В. Некоторые итоги гендерных исследований в российской лингвистике // Гендер: Язык, Культура, Коммуникация. Материалы Третьей Международной Конференции. – М., 2003. – С. 12.
4. Блохина Н.А. Понятие гендера: становление, основные концепции и представления // Общество и гендер. – Рязань: АВГ, 2003. – С.302.
5. Булычев И.И. Образы маскулинности и феминности в формате гендерной картины мира // Credo, № 1, 2004.- С.45.
6. Қаранг: <https://konspekt.com/referat-24215-doklad-gendernye-issledovaniya-v-zarubezhnoj-i-rossijskoj-lingvistike>.
7. <https://libr.link/knigi-pedagogika/soderjanie-otlichie-ponyatiy-gendernyie-75689.html>; <http://www.med24info.com/books/gendernaya-terapiya-spravochnik-prakticheskogo-psihologa/gendernye-issledovaniya-15741.html>; <https://arzamas.academy/materials/959>
8. Пушкарева Н.Л. Женщина. Гендер. Культура. – М.: Терра, 1998. – Б.18.
9. Гендер асослари: назария ва амалиёт. – Тошкент: 2003. – Б.9
10. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Самарқанд, 1993. – 140 б.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. – 236 б.; Кахаров Қ. Ўзбек ва немис нутқий этикетларининг қиёсий тадқиқи: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Андижон, 2020. – 148 б.

11. Мўминов С. Ўзбек мулоқотининг жинс хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1999. 5-сон. – Б. 64-66.; Мўминов С. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2000. – 236 б.
12. www.zhenskoe-mnenie.ru
13. Ҳошимов Ў. Икки эшик ораси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016 – Б.155.